



## КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА МИНЕРАЛ УВИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Насимов Хасан М.<sup>1</sup>

Рузиев Эркин А.<sup>1</sup>

Саиткулов Фозилжон Э.<sup>2</sup>

Баймуратова Гулбахар О.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Самарқанд давлат университети

<sup>2</sup> Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8150121>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-July 2023 yil

Ma'qullandi: 10-July 2023 yil

Nashr qilindi: 15-July 2023 yil

### KEY WORDS

буғдойнинг ўсиши ва  
ривожланиши,  
Краснодарская-99, Москвич,  
Таня, Восторг, Скифянка,  
Крошка, Нота навлари ва  
қаттиқ буғдойнинг  
Крупинка, Макуз-3, Истиқлол  
навлари

### ABSTRACT

Мақолада бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига минерал уғитларнинг таъсирини аниқлаш бўйича Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдойнинг Краснодарская-99, Москвич, Таня, Восторг, Скифянка, Крошка, Нота навлари ва қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Макуз-3, Истиқлол навлари экилиб ўрганилмоқда.

Аҳолининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бугунги босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтилаётган, мулкчиликнинг янги шакллари шаклланаётган даврда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқирозни инобатга олиб мамлакатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари" асарида рўй бераётган инқирозни келиб чиқиш сабаблари, мамлакатимизда бу соҳадаги қилинаётган ишлар, молиявий танглик бизда ҳам кам бўлсада рўй бериши мумкинлигидан огоҳ этилган. Қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ҳосил олишнинг истиқболли технологияларини яратиш ва жорий этиш, ўсимликларга берилаётган уғитлардан самарали фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш, шу орқали республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улушини кўпайтириш мумкин[1-5].

Шулардан келиб чиқиб, эски жойларда суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига минерал уғитларнинг таъсирини аниқлаш бўйича Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдойнинг Краснодарская-99, Москвич, Таня, Восторг, Скифянка, Крошка, Нота навлари ва қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Макуз-3, Истиқлол навлари экилиб ўрганилмоқда.

Тажрибалар ва усуллар

Уруғлар 16 октябрда экилиб, назорат (уғитсиз), N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub>, N<sub>180</sub>P<sub>126</sub>K<sub>90</sub>, N<sub>210</sub>P<sub>147</sub>K<sub>105</sub> кг/га ўғитлаш меъёрларида, яъни минерал уғитлар N,P,K - 1:0,7:0,5 нисбатда қўлланилди. Тажрибаларда ўсимлик парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган технологик жараёнлар асосида бажарилмоқда[6-15].

Барча вариантлардаги фосфорли ва калийли ўғитлар ерни хайдашдан олдин тулиқ меъёрда, азотли ўғитлар эса йиллик меъёрининг экишдан олдидан, эрта баҳорда, найчалаш фазаси бошида ва бошоқлаш фазасида вариантлар бўйича N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> - 25 ; 50; 45; 30 , N<sub>180</sub>P<sub>147</sub>K<sub>90</sub> - 30 ; 60; 60; 30, N<sub>210</sub>P<sub>147</sub>K<sub>105</sub> - 35; 70; 75; 30 кг/га таъсир этувчи мода ҳисобида берилди. Тажрибада минерал уғитлардан аммофос - NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>P<sub>04</sub> - (N - 11-12 %, P<sub>205</sub> - 46-60 %), калий хлорид тузи- KCl - (K - 54-60 %), аммиакли селитра - NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> - (N - 34,6 %) кулланилади.

Ўғитларни солиш тартиби, кг/га таъсир этувчи модда ҳисобида:

| Ўғитлаш меъёри<br>NPK<br>1:0,7:0,5                 | Азот            |                 |                              |                      | Фосфор<br>Шудгор<br>остига | Калий<br>Шудгор<br>остига |
|--|-----------------|-----------------|------------------------------|----------------------|----------------------------|---------------------------|
|  | Экиш<br>олдидан | Эрта<br>баҳорда | Найчалаш<br>фазаси<br>бошида | Бошоқлаш<br>фазасида |                            |                           |
| N <sub>150</sub> P <sub>105</sub> K <sub>75</sub>  | 25              | 50              | 45                           | 30                   | 105                        | 75                        |
| N <sub>180</sub> P <sub>147</sub> K <sub>90</sub>  | 30              | 60              | 60                           | 30                   | 126                        | 90                        |
| N <sub>210</sub> P <sub>147</sub> K <sub>105</sub> | 35              | 70              | 75                           | 30                   | 147                        | 105                       |

Тажрибаларимиздан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, уруғларнинг дала унвчанлигига ўғитларнинг меъёри деярли таъсир кўрсатмади. Барча бугдой навлари уруғлари 24-27 октябрда униб чикди.

Тажрибавий қисм

Ўсимликларни қишга чидамлилиги N<sub>210</sub>P<sub>147</sub>K<sub>105</sub>-вариантида экилган ўсимликларда кўзатилди, яъни ўғитлашда РК меъёрларининг ошиши билан ўсимликларнинг қишга чидамлилиги ошиши кўзатилди. Навлар бўйича эса юмшоқ буғдойнинг барча навлари, каттиқ буғдойнинг эса Крупинка нави қолган навларга нисбатан қишга чидамлилиги юқори эканлиги аниқланди.

Азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини ошириб (N<sub>210</sub>P<sub>147</sub>K<sub>105</sub>) бориш ўсимликларнинг униб чиқиш фазасига деярли таъсир этмасида, лекин найчалаш, бошоқ чиқариш, гуллаш ва пишиш фазаларини назорат (уғитсиз) вариантга нисбатан 5-6 кунга кечиктиради, яъни фазалар оралигини узайтиради.

Ўғитлашда РК меъёрларининг ошиши билан эса тула пишиш фазаси назорат (уғитсиз) вариантга нисбатан эрта пишиши кузатилди.

Ўғитлаш меъёрлари буғдой навларининг ётиб қолишига сезиларли таъсир этди. Юмшоқ буғдойнинг Крошка, Нота, Москвич, Восторг навларида ётиб қолиш (4 балл) кўзатилган бўлса, Скифянка, Таня Краснодарская-99 навлари ётиб қолишга бардошлилиги аниқланди. Қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 ва Истиклол навлари N<sub>210</sub>P<sub>147</sub>K<sub>105</sub> ўғитлаш вариантыда бироз ётиб қолиш (4 балл) кузатилган бўлса, Крупинка навини ётиб қолишга чидамлилиги аниқланди.

Ўрганилаётган навлар 2020-2023 йиллар мобайнида сариқ занг касаллиги билан турлича зарарланди. Юмшоқ буғдойнинг барча навлари ва қаттиқ буғдойнинг

Макуз-3 хамда Истиқлол навлари найчалаш фазасига кирмасдан олдин зарарланган бўлса, Крупинка нави ўсув даври охиригача занг касаллиги билан зарарланмади.

Хулоса

Тажрибаларимизда юмшоқ буғдой ва қаттиқ буғдойнинг навларида ҳосилдорликни юқори бўлиши ётиб қолиш кузатилмаган N210P147K105 уғитлаш вариантыда кўзатилган бўлса, ўсимликларни ётиб қолиши кузатилган вариантларда ҳосилдорликни юқори бўлиши N180P126 K<sub>90</sub> уғитлаш вариантыдан олинди.

Зарафшон воҳасининг эскидан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқларида кузги буғдой учун минерал уғитларнинг йиллик меъёри ўтмишдош экин тури ва навларнинг биологик хусусиятини инобатга олган-ҳолда азот 180-210, фосфор 130-150, калий 90-105 кг/га таъсир этувчи модда ҳисобида бериш тавсия этилади.

### Литература:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 26.03.2021 йилдаги ПФ-6196-сонли фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори
4. United Nations crime analysis. <https://www.un.org/>
5. ИИВ маълумотлари. <https://iiv.uz/oz/opendata>
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. [https://ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati](https://ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati)
7. Ўғирлик – катта гуноҳдир. <https://islom.uz>
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори
10. М.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 455 б